



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУХИТНИ  
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУХИТНИ  
МУХОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

100043, Тошкент., Бунёдкор шох кўчаси, 7. Тел./факс: +998 (71) 277-75-43  
веб-саҳифа: <http://www.ecocity.uz>, электрон почта: [tash\\_city@uznature.uz](mailto:tash_city@uznature.uz)

20~~21~~ йил «23» 02 даги

Тошкент шаҳри

13672 -сонли хатингизга

«ARCA GROUP» МЧЖ

раҳбари

И.Р. Сейфуллаевга

ташкилот номи

ташкилот раҳбари ФИШ

Тошкент шаҳар Экология  
ва атроф мухитни муҳофаза  
қилиш соҳасидаги назорат  
инспекциясига

ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ  
ХУЛОСАСИ

ЗАКЛЮЧЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ

№ 09-315 20 21 йил «26» 02

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 50-йда

**Объект:** «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан касса аппаратларини йиғиш цехини ишга  
(объект) тушириш босқичидаги «Экологик оқибатлар тўғрисида ариза» (ЭОТА)

**Жараёни:** лойиҳаси  
(стадия) ЭОТА – III тоифа (47-банд)

**Буюртмачи:**  
(заказчик) «ARCA GROUP» МЧЖ

СТИР 306 812 314

**Лойиҳачи:**  
(проектировщик) Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23/3-уй

«DEVELOP GROUP PROJECT» МЧЖ

**СТИР ва  
манзили:**  
(ИНН и адрес) СТИР 307 210 113

0009214

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИ № 04-315

Давлат экологик экспертизасига, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 50-йуда «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан касса аппаратларини йиғиш цехини ишга тушириш босқичидаги «Экологик оқибатлар тўғрисида ариза» (ЭОТА) лойиҳаси кўриб чиқиш учун тақдим этилган.

Ушбу обьект бўйича тайёрланган «Экологик оқибатлар тўғрисида ариза» (ЭОТА) лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сонли «Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 1-иловасига мувофиқ, мазкур фаолият тури атроф муҳитга таъсир кўрсатиши юзасидан III – тоифасига (паст даражада хавфли) киради (47-банд). Электр асбоб-ускуналарини йиғиш ва таъмирлаш, металлга ишлов бериш корхоналари, шу жумладан цехлари).

Аввалроқ, «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан касса аппаратларини йиғиш цехини ташкил қилиш жараёнини атроф муҳитга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш учун «Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза» (АТТА) лойиҳаси ишлаб чиқилган ва 2020 йил 13 ноябрда 04-1179-сонли давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олинган.

Мазкур обьект бўйича «Экологик оқибатлар тўғрисида ариза» (ЭОТА) лойиҳасини ишлаб чиқишидан мақсад, «ARCA GROUP» МЧЖ ишлаб чиқариш обьектининг ишга тушириш жараённида атроф муҳитга таъсирини баҳолаш, ташлама ва чиқиндиларга экологик норматив меъёrlарини ўрнатишидан иборат.

«ARCA GROUP» МЧЖнинг ишлаб чиқариш майдончалик ижара шартномаси асосида фуқаро Саматов Худойберди Баҳодир ўғлига тегишли бўлган мавжуд нотурар-жой биносида ташкил этилган (*2020 йил 1 августдаги 15-сонли ижара шартномасига асосан*). Ижарага олинган худуднинг умумий майдони – 326 m<sup>2</sup> бўлиб, ушбу худудда, ишлаб чиқариш майдончалик – 300 m<sup>2</sup>, ҳамдаофис хонаси – 26 m<sup>2</sup>ни эгаллаган.

Кўриб чиқилаётган ишлаб чиқариш обьекти географик жойлашуви жиҳатидан координаталари 41°20'00,2" шимолий кенглик ва 69°19'04,3" шарқий узунликда жойлашган бўлиб, атрофи қўйидагича чегараланган: шимол томондан – «Uzsavdouskunlari» ИИЧ МЧЖ худуди билан; шарқ томондан – гофропласт ишлаб чиқарувчи корхона худуди билан; жануб ва гарб томонлардан – турли ишлаб чиқариш корхоналари худуди билан чегарадош. Энг яқин аҳоли турар жой уйлари обьект чегарасининг шарқий томонидан 175 m масофа узокликда жойлашган.

Ишлаб чиқариш биноси шаҳар муҳандислик-техник тармоқлариiga (ичимлик суви таъминоти, канализация, электр энергия) уланган. Куз-қиши мавсумида обьект биноларини иситиш кўзда тутилмаган. Корхонани иссиқ сув билан таъминлаш «Ariston» русумли электр сув иситиш мосламаси ёрдамида амалга оширилади.

«ARCA GROUP» МЧЖнинг асосий иш фаолияти касса аппаратларини йиғишга қаратилган. Лойиҳалаштирилаётган обьектнинг лойиҳавий номинал куввати ўрта хисобда йилига – 60 000 дона/йил тайёр маҳсулотни ташкил этади. Мўлжалланган ишлаб чиқариш ҳажмини амалга ошириш учун зарур бўлган асосий хом-ашё материалларининг йиллик сарфи: дисплей – 65 000 дона/йил; материнская плата – 65 000 дона/йилни ташкил қиласи. Касса аппаратларини йиғиш учун қўлланиладиган қисмлар Хитой давлатидан сотиб олинади.

Ишлаб чиқариш обьектининг иш тартиби йилига – 312 кундан иборат бўлиб, кунига 8 соатдан иборат.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИ № 04-315

«ARCA GROUP» МЧЖнинг ишлаб чиқариш майдончасида фаолият юритадиган ишчиларнинг умумий сони – 20 кишидан иборат бўлиб, улардан, маъмурий-бошқарув ходимлар сони – 2 нафар кишини ташкил этади.

Корхона ўз фаолиятини амалга ошириши учун қўйидаги бўлинмалардан иборат: ишлаб чиқариш майдончаси; омборхона; офис; санитар-маиший хоналар.

Касса аппаратларини йигиш технологик жараёни таркибий қисм деталларини бир-бирига паяльниклар (3 дона) ёрдамида пайвандлаш орқали амалга оширилади. Паяльник билан ишлаш натижасида атмосфера ҳавосига қўрғошин ва қалай оксиди ташламалари ташланиши кузатилади (манба №1).

Лойиҳага кўра, корхонада атмосфера ҳавосига заарли моддалар ташламаларининг турғун манбалар сони 1 та бўлиб (ташкиллаштирилмаган), ундан атмосфера ҳавосига 2 турдаги ифлослантирувчи моддаларнинг умумий сони – 0,0375 тн/йил микдорда ташланиши кузатилади, жумладан, қўрғошин (экологик ҳавфилиги бўйича I синфга мансуб) – 0,0225 тн/йил (60 %) ва қалай оксиди (экологик ҳавфилиги бўйича III синфга мансуб) – 0,015 тн/йилни (40 %) ташкил киласди.

Ҳисоб-китобларга кўра, атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддаларнинг ер устки қатламидаги заарли моддалар ташламаларининг ер усти ёйилиши концентрацияси корхона чегара худудида улар учун ўрнатилган меъёр (квота) даражасидан ошмаслиги аниқланди. Шу сабабли, корхонада атроф-муҳитни ифлослантирувчи заарли моддалар ташламаларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилмаган.

«ARCA GROUP» МЧЖ ишлаб чиқариш майдончаси худудидан ташқарида ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг белгиланган меъёрдан (квота) ошмаганлиги сабабли, корхона тўлиқ ишга тушганидан кейин «Экологик оқибатлар тўғрисида ариза» (ЭОТА) лойиҳасида келтирилган ташламалар микдорини 0,0375 тн/йил ТЧМ (ПДВ) сифатида қабул қилиш мумкин.

Лойиҳага кўра, корхонада атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг ташкиллаштирилган манбалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ташламаларнинг йўл қўйиладиган чекланган микдори (ТЧМ) меъёрларига амал қилиниши устидан назоратни олиб бориш учун режа-жадвал ишлаб чиқилмаган.

Корхонанинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш натижаларига биноан, майший-ичимлик эҳтиёжларни қондириш учун сув манбай сифатида шаҳар сув таъминоти тармоқларидан фойдаланиш назарда тутилганлиги аниқланди.

Объектда майший-ичимлик эҳтиёжларга бўлган сув талаби микдори кунига – 0,637  $m^3$ ни, йилига эса – 177,228  $m^3$ /йилни ташкил этади. Сув истеъмоли сарфи ҳосил бўладиган майший оқова сувлар микдорига teng. Ҳосил бўладиган майший оқава сувлар объект худудида мавжуд бўлган шаҳар канализация тармоғига ташланади. Очиқ сув ҳавзалардан сув истеъмол қилиш ва уларга сув оқизиб юбориш лойиҳа хужжатида назарда тутилмаган.

Лойиҳада келтирилган маълумотларга кўра, ишлаб чиқариш жараёнида сув истеъмоли кузатилмайди.

«ARCA GROUP» МЧЖ ишлаб чиқариш майдончасининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш натижаларига кўра, ишлаб чиқариш цехи ишга туширилгандан сўнг, умумий микдори – 4,2604 тн/йилга teng бўлган 7 турдаги ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларининг пайдо бўлиши аниқланди: пластик чиқиндилар – 0,832tn/йил (IV синф), иккиласмчи хом-ашё сифатида қайта ишлаш учун махсус корхоналарга топширилади; яроқсиз тозалаш латталарий <sup>бет/ср.т.н.да №1</sup> 0,015 тн/йил

## **ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИ № 04-315**

(IV синф) ва ишчиларнинг эскирган махсус кийимлари – 0,0396 тн/йил (IV синф) иккиламчи хом-ашёни қайта ишлаш махсус корхоналарига топширилади; яроқсиз диодли ёритиш лампалари – 0,001 тн/йил (IV синф), қаттиқ майший чиқиндилар – 2,956 тн/йил (IV синф) билан биргаликда мунтазам равишда туман санитар тозалаш ва назорат қилиш бўйича махсус давлат органи томонидан шартнома асосида чиқинди полигонига жойлаштирилади; қоғоз чиқиндиси – 0,0168 тн/йил (V синф), иккиламчи хом-ашёни қайта ишлаш махсус корхоналарига топширилади; озиқовқат чиқиндилари – 0,4 тн/йил (V синф), ҳар куни корхона ишчилари томонидан уй ҳайвонларига озуқа сифатида олиб кетилади.

Лойихада барча чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш манбалари ёритилиб, уларнинг йиллик миқдори, меъёрлари хисоб-китоби келтирилган. Ҳар бир чиқинди учун пайдо бўлиш жараёни, хоссаси, хусусиятлари ва таркиби каби маълумотлар акс эттирилган паспорт тузилиб, уларнинг хавфлий синфи, вақтинчалик жойлаштириш лимитлари ва утилизация қилиш йўллари белгиланган. Чиқиндиларни тўплаш, вақтинча саклаш ва транспортировка (ташиш) қилиш шартлари ва қоидаларига амал қилинганда корхонада пайдо бўладиган барча чиқиндиларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсири кўрсатмаслиги аниқланди.

Лойиха ҳужжатида атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган чора-тадбирлар, ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган аварияли ҳолатлар, ёнгин хавфсизлиги ва уларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Давлат экологик экспертизасининг таҳлилий натижаларига кўра, кўриб чиқиш учун тақдим қилинган атроф муҳитга таъсирини баҳолашнинг якуний босқичи «Экологик оқибатлар тўғрисида ариза» (ЭОТА) лойиха ҳужжатлари амалдаги Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, Низом ҳамда қонуности экологик меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганини аниқланди.

«ARCA GROUP» МЧЖ ишлаб чиқариш майдончасининг эксплуатация даврида, атмосферга ташланадиган зарарли моддаларнинг белгиланган меъёридан (квота) ошмаслиги, очик сув ҳавзаларига оқова сувларни ташламаслиги, атроф-муҳитни муҳофaza қилишга қаратилган чора-тадбирларга қатъий риоя қилиниши ва ЭОТА лойихасида кўзда тутилган технологик қоидаларга риоя қилинса, корхона жойлашган худуддаги мавжуд экологик ҳолатнинг ёмонлашувига ва қайтариб бўлмайдиган салбий экологик оқибатларга олиб келмаслиги керак.

Давлат экологик экспертизаси, «ARCA GROUP» МЧЖ ишлаб чиқариш майдончasi ташқарисида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи зарарли моддалар концентрациясининг рухсат этилган меъёр (квота)дан ошмаслиги, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва уларни жойлаштиришда чиқиндиларнинг чекланган миқдори белгиланган меъёрдан ошмаслиги, шунингдек, ЭОТА лойихасида кўзда тутилган экологик тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, экологик нормативларни тасдиқлашни мумкин деб ҳисоблайди.

Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофaza қилиш бошқармасининг Давлат экологик экспертизаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 50-ўйда «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан касса аппаратларини йиғиши цехини ишга тушириш босқичидаги «Экологик оқибатлар тўғрисида ариза» (ЭОТА) лойихасини мазкур хулосада келтирилган талабларни бажариш шарти билан маъқуллайди.

**«ARCA GROUP» МЧЖ раҳбарияти қуийдагиларни таъминлаши лозим:** бет/страница № 4

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИ № 04-315

- объектда атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланиши устидан узлуксиз назорат қилиш воситалари билан жиҳозланган пункт (блок пост)лар барпо этиш, бундай пунктларнинг иши устидан назоратни амалга ошириш ва олинган маълумотларни тизимли равишда тақдим этиб бориш, атроф муҳит мониторинги натижаларига кўра тўпланган маълумотлар ёки ҳисботларни топшириш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сонли қарорининг 29-банди талабларига асосан);
- атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи турғун манбалар ҳисобини юритиши ва ўрнатилган тартибда давлат статистика ҳисботларини тақдим этиш (ПОД-1 шакли);
- корхонада ўрнатилган шамоллатиш тизимларини ишлаш самарадорлигини текшириш учун мунтазам равишда профилактик-текширув ишларни бажариш ва аниқланган носозликларни ўз вақтида бартараф этиш;
- ифлослантирувчи моддалар ташламаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ) экологик нормативларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш;
- чанг чиқарадиган ускуналарни мумкин қадар герметизациялаш ва барча чанг пайдо бўлиш жойларида махсус паналашни амалга ошириш;
- чиқиндиларнинг хавфсиз шарт-шароитда тўпланиши, сақлаш майдонида экологик нормадан ошиқ жойлаштирилмаслиги, ўз вақтида утилизация қилинишини доимий назоратда тутиш;
- заҳарли (токсик) ва заҳарли бўлмаган чиқиндилар ҳисобини юритиши ва белгилаган тартибда давлат статистика ҳисботларини тақдим этиш (1-Э шакли);
- чиқиндиларни хавфлилик даражаси ва турига қараб ажратган ҳолда тўплаш ва вақтинча сақлашга мўлжалланган махсус пункт (МСП) ташкил этиш; қаттиқ қопламали майдончаларда зарур миқдордаги қопқоқли контейнерлар ўрнатиш;
- қайта тикланадиган энергия манбаларини ва ресурс тежамкор технология ва ускуналардан фойдаланиш, хавфлилик даражаси пастроқ бўлган энергия тежайдиган LED ёритгичлардан фойдаланиш;
- ёнғин ва техника хавфсизлигига риоя этилишига доир чора-тадбирларни амалга ошириш лозим;
- чиқиндилар билан ишлаш фаолиятини 2018 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №787-сонли Мαιший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисидага қарори билан тасдиқланган «Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси обьектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари»га амал қилган ҳолда ташкиллаштириш;
- санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхона билан тузилган шартномага биноан майший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилишини таъминлаш;
- чиқиндилар миқдорини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш;

# ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИ № 04-315

- саноат ва ёрдамчи ускуналар, аппаратура, коммуникация ва вентиляция мосламларини соз ҳолда тутиш, мунтазам равишда техник хизмат кўригидан ўтказиши ишларини доимий равишда амалга ошириши лозим;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябр «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сонли қарорига асосан, атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларининг ҳисоб-китоблари ҳар йили 15 январгача ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январига қадар тўловни амалга ошириши лозим.

Мазкур хулосада кўрсатилган шартлар бажарилмаганда ва юкорида кўрсатилган фаолиятдан ташқари бошқа қўшимча фаолият турлари ташкил этилганда, ташламалар ва чиқиндилар микдори ўзгарган тақдирда, ушбу экологик экспертиза хулосаси ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сонли «Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори Иловасининг II-боб, 9-бандига мувофиқ, экологик нормативлар лойиҳалари буюртмачиси ташламалар, оқовалар манбаларини, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиши маълумотларининг ишончлилиги учун ташкилотнинг раҳбари қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлишини эслатиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сонли қарори (Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида) 9-боб, 54-бандига мувофиқ, ташламалар, оқовалар ва чиқиндиларнинг микдор ва сифат тавсифларига таъсир кўрсатадиган технологик жараён кенгайтирилганда, реконструкция қилинганда, техник жиҳатдан қайта жиҳозланганда ёки ўзгарганда, қонунчилик талаблари ўзгарганда, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширадиган тегишли органлар қарорига биноан экологик нормативлар экология оқибатлари тўғрисидаги ахборот доирасида қайта кўриб чиқилади, сўнгра уларнинг амал қилиш муддати уч йилга узайтирилади.

Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси инспекциясига «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан экологик қонунлар ва Экологик оқибатлар тўғрисида ариза лойиҳасида белгиланган меъёрларга риоя этилиши, ҳамда лойиҳа хужжатларида назарда тутилган табиатни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларининг бажарилиши ва табиатдан фойдаланганлик учун белгиланган тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан мунтазам назорат олиб бориш юклатилади.

Бошқарма бошлиғи в.б.

Киритди:  
«Тошшаҳдавэкоэкспертиза маркази»  
ДУК директори в.в.б.

Ижрочи масъул эксперт:



Ф.Э. Дехқонов

Р.Н. Камалбеков

бет/страница № 6

Д.Б. Алишерова

0022426